

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.T.78.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБЎТАЕВ ХЎШБОҚ БОБОНАЗАРОВИЧ

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАФАККУРНИ
ТАБИИЙ ФАНЛАРАРО СИНХРОН ВА АСИНХРОН
АЛОҚАДОРЛИҚДА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(биология, кимё, физика ўқув фанлари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Норбўтаев Хўшбоқ Бобоназарович

Мактаб ўқувчиларида экологик тафаккурни табиий фанлараро синхрон ва асинхрон алоқадорликда ривожлантириш методикаси (биология, кимё, физика ўқув фанлари мисолида).....5

Нарбўтаев Хушбак Бабаназарович

Методика развития экологического мышления учащихся школ в естественно междисциплинарной синхронной и асинхронной связи (на примере учебных предметов биологии, химии, физики).....31

Narbutaev Khushbak Babanazarovich

Methodology of development of ecological thinking of school pupils innaturally interdisciplinary synchronous and asynchronous communication (of educational subjects of biology, chemistry, physics).....59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....64

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ РЎД.03/30.12.2019.Т.78.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

НОРБЎТАЕВ ХЎШБОҚ БОБОНАЗАРОВИЧ

**МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТАФАККУРНИ
ТАБИИЙ ФАНЛАРАРО СИНХРОН ВА АСИНХРОН
АЛОҚАДОРЛИҚДА РИВОЖЛАНТИРИШ МЕТОДИКАСИ
(биология, кимё, физика ўқув фанлари мисолида)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (биология)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.DSc/Ped127-рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (termizdu@umail.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Маҳмудов Юсуп Ғаниевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эргашева Гулрухсор Сурхонидиновна
педагогика фанлари доктори, доцент

Омонов Ҳожикул Товбоевич
педагогика фанлари доктори, профессор

Жўраев Хусниддин Олгинбойевич
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.T.78.01 рақамли Илмий кенгашнинг «2» 08 2021 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№ 8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз шаҳри, Баркамол авлод кўчаси, 43 уй. Тел.: (+99876) 221-74-55, факс: (+99876) 221-71-17, e-mail: termizdu@umail.uz

Диссертация автореферати 2021 йил «23» 07 кuni тарқатилди.

(2021 йил «23» 07 даги 6 рақамли реестр баённомаси).



И.А. Умбаров
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

Ш.А. Касимов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш котиби, к.ф.ф.д., доцент

Р.В. Алиқулов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., доцент

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича Стокгольм, Рио-де-Жанейро декларациялари ҳамда БМТ Бош Ассамблеясининг “Табиатнинг жаҳон харитаси” ҳақидаги резолюциясида экологик хавфсизликнинг ахлоқий - этик, аксиологик, когнитив, фаол фаолият компонентларини таъминлаш муҳим вазифа сифатида қайд этилган. Барқарор тараққиёт (sustainable development) назарияси ва амалиётига таяниб, иқтисодий - экологик вазифаларни мустақил ҳал этишга қодир бўлган мутахассисларни тайёрлашга талаблар ортиб бораётган ҳозирги шароитда экологик хавфсизлик маданиятини шакллантириш муҳим ҳисобланади¹. Фан - техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишда ноқулай экологик вазият қамрови жиҳатидан умумбашарий аҳамиятга молик экологик хавфни юзага келтирмоқда. Экологик хавфнинг келиб чиқиш сабаблари табиат, жамият ва техника орасидаги фанлараро муносабатларни мувофиқлаштириш ҳамда экологик хавфга йўл қўймаслик бугунги куннинг асосий муаммоси бўлиб қолди.

Дунё миқёсида табиат ва жамият ҳақидаги билимларни ривожлантириш учун асос бўлувчи интеграцияланган фанлар кўпгина давлатларнинг ўқув дастурларига киритилган. Бу, айниқса, табиий фанлар йўналишига эга бўлган интеграциялашган фанлар жаҳон ҳамжамиятида ўқувчиларда атроф-муҳитга жавобгарликни шакллантиришнинг асосий воситаси эканлиги тўғрисида хабар беради. Шу боис мамлакатимиз умумтаълим мактаби ўқув режалари ва дастурларига табиат-жамият ўртасидаги алоқадорликни уйғунлаштириш, атроф-муҳитга масъуллик муносабатларини шакллантиришда фанлар интеграцияси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, ўқувчиларнинг экологик тафаккури, унинг дунёқараши, ҳатти - ҳаракатлари, умумий маданияти биология, кимё ва физика фанларини ўқитишда атроф-муҳит муҳофазаси, фанлар интеграцияси мазмуни, шакллари, методлари, йўллари, имкониятлари ва воситаларидан мақсадга мувофиқ ҳолда фойдаланиш муҳим муаммолардан саналади.

Ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда мазкур муаммога тизимли ёндашувни талаб этади. Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда ўқитиш шакллари: дарсда, дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар имкониятларини аниқлаш заруриятини келтириб чиқарди. Ўқувчиларнинг биологияни кимё ва физика фанлари билан боғлаб ўқитишда эгаллаётган назарий билимлари бевосита амалиётга татбиқ этишига замин тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 21 апрелдаги ПФ-5024-сон “Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. <https://tma.uz/wp-content/uploads/2017/09/sh-mirziyoev-manaviyat-soati.pdf/>

тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сон “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунаар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 29 апрелдаги ПФ-5712-сон “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонлари, 2019 йил 20 февралдаги ПҚ-4199-сон “Ёшларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини ривожлантириш, иқтидорли болаларни кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Президент мактабларини очиш тўғрисида”, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи². Хорижий давлатларда ўқитишни интегратив мазмундаги билимлар асосида ташкил этиш масалалари бўйича дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот марказлари ҳамда таълим муассасаларида, хусусан, University of Ottawa (Канада), Stiftung Digitale Chancen (Германия), University of Kent (Англия), Harvard University, San-Diego University (АҚШ), The University of Michigan (USA), Brunel University London (UK), Kaplan (Simmons University), (USA), Москва давлат университети (Россия), Тамбов давлат университети (Россия), Биологик тадқиқотлар Илмий маркази (Россия)да олиб борилмоқда.

Жаҳон таълим тизимида фан ва технологиянинг жадал суръатда ривожланиши шароитида интерактив таълим стратегиялари ва механизмларини замонавий ривожланиш тамойиллари асосида такомиллаштириш, табиат ва жамият тараққиёти қонуниятлари ҳақидаги янги назарий ва амалий билимларни таълим мазмунига сингдириш, барча фанлардан ўзаро алоқадорликда зарур билим, кўникма, малака ва компетенцияларини шакллантириш, ижтимоий ҳаёт тажрибалари ва илм - фаннинг турли соҳалари учун муҳим бўлган билимларни ўқувчилар эгаллашлари учун ижодкор мутахассисларни тайёрлаш устувор ҳисобланади. Бу эса ўз навбатида узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган умумий ўрта таълим муассасалари ўқув режаси, фан дастурларини мазмунан мақсадга мувофиқ таҳлил қилиш, улар ўртасидаги узвийлик, яъни синхрон ва

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://ssudalari@uOttava.ca>, <https://redaktion@digitale-chancen.de>, <https://www.kent.ac.uk>, <https://www.harvard.edu>, <https://umich.edu>, <https://www.brunel.ac.uk>, <https://www.hotcoursesabroad.com> <https://msu.uz>, <https://www.tstu.ru> ва бошқа манбалар асосида тайёрланди.

асинхрон боғланишларни аниқлаш, педагогик жараёнлар ва таълим муҳитини фаол ахборот алмашилиш жараёнлари билан интеграциялаш масалаларига қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Ўқувчиларда экологик хавфсизликни таъминлаш умумбашарият келажаги учун долзарб муаммо сифатида эътироф этилмоқда. Жумладан, бу борада таълимни интеграциялаш мақсадида Web-quest технологияси мазмуни, тузилиши ва таълим амалиётида фойдаланишга доир методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган (Harvard University Press, San-Diego university); замонавий ўқув материалларини лойиҳалаш, атроф-муҳит билан боғлаш ва сертификатлаштириш амалга оширилган (Stiftung Digitale Chancen, Germany); фанлараро интеграцияни ривожлантиришда халқаро баҳолаш дастурлари PISA (Programme for International Student Assessment)дан фойдаланиш методикаси ишлаб чиқилган (Россия таълимни ривожлантириш стратегиялари институти); таълим технологияларини ишлаб чиқишга доир халқаро ҳамкорликни амалга оширишнинг ташкилий ва стратегик механизмлари такомиллаштирилган (European Information Technologies Certification Institute).

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Умумтаълим мактаби ўқувчиларига биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш муаммоси кун тартибидаги долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Демак, ўқувчиларда экологик тафаккурни ривожлантиришда биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб фанлараро ўқитиш тадқиқот муаммосининг ижобий ҳал қилинишини осонлаштиради.

Таълимни интеграциялаш ва экологик таълим-тарбия, уларнинг мақсад ва вазифалари, мазмуни, шакл ва методлари билан И.Д.Зверев, А.Н.Захлебний, И.Т.Суравегина, А.В.Усова, Ж.О.Толипова, Б.С.Абдуллаева, Р.А.Мавлонова, Г.С.Эргашева, А.К.Рахимов, А.Тўхтаев, Э.О.Турдикулов, Ю.Ф.Маҳмудов, Б.Зиёмуҳаммедов, Ш.Авезов, Р.У.Бекназов, Н.М.Аҳмедова, Н.Ж.Исақулова, Ю.Каримов, С.Х.Файзулина, Ш.Шодиметов, И.Х.Аюбова, Н.Ашурова, Б.Култураев, П.У.Берданова, М.М.Ибодуллаева, Г.О.Комилова, С.Мамашокиров, М.Нишонбоева, Н.Ў.Нишонова, А.А.Хасанов, М.Б.Раҳимқулова, М.Раҳматуллаевалар шуғулланишган.

МДХ давлатлари олимлари Н.Н.Моисеев, А.М.Рябов, А.М.Новиков, А.Г.Банников, А.О.Лагутин, А.В.Лосев, А.А.Вакулин, А.И.Герцена, А.Я.Данилюк, Л.Ю.Чуйкова А.В. Малёв, В.А.Лазарева, В.С.Безрукова, М.Н.Берулава, П.А.Гулюкина, Л.С.Астафьева, О.Ф.Вичканова, М.А.Розова, И.П.Раченко, М.Ю.Гильденков, О.Ж.Алексеенко, Б.Ф.Комиссаров, М.Т.Гафуров, Л.Р.Азизова, Н.К.Чапаев каби олимларнинг тадқиқот ишларида экология ва таълим жараёнида фанлар интеграцияси муаммолари кўтарилган.

Бугунги кунга келиб, МДХ давлатларида олиб борилаётган илмий-тадқиқот ишларида асосан, экологик хавфсизликни таъминлаш ва уларни амалга оширишда замонавий шакл, метод, йўл ва воситалардан самарали фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазасини замонавий иқтисодий стратегия

асосида ишлаб чиқиш, таълимни интеграциялаш, уни ўқув жараёнига татбиқ этиш зарурлиги таъкидланади.

Ривожланган хорижий давлатларда экология таълими ва фанлар интеграцияси масалаларини илмий ва назарий жиҳатдан ўрганиш бўйича A.Blackman, M.Grey, Yu.Solomon, R.Harding, C.S.Haugen, Hsing Yun, S.Forbe, (АҚШ), R.Demol, A.Tineman (Германия), Б.А.Келлер, В.В.Олехин, В.Г.Раменский, Л.Малиновска (Россия), D.Coste, B.North, J.Trim, Ж.Бюсак (Франция), А.Трембецкий (Польша), Л.Немцова (Чехия), И.Мартинес (Испания) ва бошқалар тадқиқот ишлари олиб борганлар.

Халқаро тажрибалар кўрсатадики, табиат ва жамиятда содир бўладиган турли экологик ҳодисалар, улар орасидаги алоқаларнинг бир - бирига боғлиқ ҳолда ривожланишини интеграциялашув асосида амалга ошириш ва жаҳон ҳамжамиятида экологик хавфсизликни таъминлашнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланиб, уни қўлланилиш механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. Жумладан, АҚШда экологиянинг турли муаммоларига бағишланган таълим марказлари фаолият олиб бориб, ҳар йили ўнлаб монографик асарлар нашр қилинади. Улардан U.Solomon (Энг муҳим уч экологик соҳалар, яъни экологик этика, экологик ҳуқуқ ва экология таълими масалалари)³, Hsing Yun (Атроф-муҳитни муҳофазалаш масалалари, ҳар бир қадамда буддизм)⁴, R.Harding (Экологик барқарор ривожланиш манбаларининг амалга оширилиши ва муаммолари)⁵, A.Blackman (Ривожланаётган давлатларда хайрихоҳлар ҳаракатлари орқали экологияни муҳофаза қилиб бўладими?)⁶, C.S.Haugen (Катталарга экологик таълим беришнинг назарияси ва уларни ўқитиш тамойиллари)⁷, табиий-илмий дунёкарашни ривожлантиришнинг интерактив дастурий воситалари яратилган (Polish Society for Human Evolution Studies); D.Coste, B.North ва J.Trim (Интеграция жараёнлари ҳақидаги илмий тасаввурларни ривожлантириш конвергенция (лот.convergo- яқинлаштираман) тушунчасини жамият ҳаётининг турли соҳаларига нисбатан долзарблаштириш)⁸ шулар жумласидан.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги
Диссертация тадқиқоти Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда № ИТД-1-45-“Табиий фанларни ўқитиш амалиётини замонавий

³ Solomon U. A detailed look at the three disciplines, environmental ethics, law and education to determine which plays the most critical role in environmental enhancement and protection. *Environment, Development and Sustainability*, 2010.12 (6): P. 1069-1080.

⁴ Hsing Yun. *Protecting Our Environment. Buddhism in Every Step* Об охране окружающей среды. - Buddha's Light Publishing, 2011.- 621 p.

⁵ Harding R. *Ecologically sustainable development: origins, implementation and challenges*. *Desalination*, 2006. 187 (1-3): P. 229-239.

⁶ Blackman A. *Can Voluntary Environmental Regulation Work in Developing Countries? Lessons from Case Studies*. *Policy Studies Journal*, 2008.36 (1): P.119 - 141.

⁷ Haugen C.S. *Environmental Adult education Theory and Adult Learning Principles: Implications for Training*. M.A.thesis, American University, in Proquest Digital Dissertations. 2006. (4): P. 558-564.

⁸ D.Coste, B.North ва J.Trim. *Common European Framework of reference for languages: Learning, Teaching, Assessment: Language Policy Unit // Council of Europe/ - Chapter 6/ - Strasbourg, 2001. Available online: http://www.coe.int/t/dg4/Linguistic/Source/CEFR_EN.pdf.*

таълим технологияларидан фойдаланиб кучайтириш” (2018-2020 йй.) амалий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактабларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришнинг методик жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш йўналишлари ва психологик-педагогик жиҳатларини такомиллаштириш;

дарсда, дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотларда биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитиш имкониятларини аниқлаш;

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришнинг самарадор шакллари, методлари, йўллари ва воситаларидан фойдаланиш;

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккури даражаларини аниқловчи халқаро тадқиқотга асосан, фанлараро боғланишдан фойдаланиш, мулоҳаза юритиш, муносабат билдириш, билими, кўникма, малака ва компетенцияларини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришнинг репродуктив, продуктив, қисман изланишли ва ижодий тавсифдаги ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуини, ўқув методик таъминотини ҳамда ўтказилган тажриба-синов натижаларига асосланиб, хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумтаълим мактабларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш жараёни белгиланиб, Сурхондарё, Бухоро, Жиззах, Хоразм, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 20 та умумтаълим мактабларининг 6-11-синфларидан 1200 нафар ўқувчи тажриба-синов ишларига жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети умумтаълим мактабларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш шакл, метод, восита ва йўллари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий (таҳлилий-статистик, қиёсий таққослаш), диагностика (суҳбат, сўровнома, кузатиш, таснифлаш), тест топшириқлари, ўқитувчилар ва ота-оналар билан суҳбатлар ўтказиш, педагогик тажриба-синов (маълумотларни математик-статистик таҳлил қилиш, натижаларни расм, схема, жадвал ва график тасвирлаш ва бошқалар) каби усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда биологиянинг асосий тушунчалари, ғоя, назария, қонуниятлари, кимё ва физикадан ўзлаштирган билимларидан муаммоли вазиятларда самарали фойдаланиш, табиат-жамият ўртасидаги алоқадорликни уйғунлаштириш, табиий фанларни интеграциялаш медитация методларига устуворлик бериш асосида ривожлантирилган;

ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш учун интеграцион ёндашувни самарали йўлга қўйишда ўқувчиларнинг кўникма, малака ва компетенциялари ўқитиш жараёнининг методик-дидактик тузилмаси ташкилий, мақсадга йўналтирилган, мантикий-тузилмали, диагностик-нативажавий Moodle-Web муҳитини ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда ўқувчиларнинг ўзига хос физиологик, гигиеник, психологик хусусиятлари, ўқитиш мазмуни, шакл, методлари ва воситалари дидактик тамойиллар асосида интеграцион билимларни илмий-назарий жиҳатдан ўзаро мувофиқлаштириш механизми ишлаб чиқилган;

ўқувчилар иқтидори, қобилияти, лаёқати ва қизиқишларини аниқлашга йўналтирилган методик тизими, интегратив хоссалари, биологияни ўқитишда фанлараро алоқадорлик мазмунидаги билимлар ва уни амалиётга жорий этиш механизмига асосланган интерактив дастурий воситалар интерактив ресурслар, кроссвордлар, интеллектуал ўйинлардан фойдаланиш имкониятларига кўра ривожлантирилган;

шахсга йўналтирилган ёндашув асосида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар билими, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигини ривожлантиришнинг технологик ва рефлексив-баҳолаш мезонлари асосида фанлараро алоқадорликни янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қиладиган, ўқув қўлланма, дарсликнинг янги авлодини яратишга оид методик таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумтаълим мактабларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш фанлараро алоқадорлик мазмунида лойҳалаштирилган, ДТС, ўқув режаси ва фан дастурлари такомиллаштирилган;

“Biologiyani tabiiy fanlararo sinxron-asinxron o'qitishda o'quvchilar ekologik tafakkurini rivojlantirish shakl va metodlarini takomillashtirish” номли ўқув қўлланма нашр этилган;

умумтаълим мактабларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш асосида такомиллаштирилган;

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишнинг модернизациялашган, интеграциялашган тизими яратилган;

ўқувчиларни халқаро PISA баҳолаш дастурига тайёрлашда биологияни табиий фанлар билан синхрон ва асинхрон боғлаб экологик тафаккурни ривожлантириш бўйича методик кўрсатма ва тавсиялар тизими ишлаб чиқилган;

интеграциялашган дарслар ташкил қилиш орқали ўқувчилар билан бахс-мунозара кечалари ўтказиш, синфлараро кўрик танлов ва мусобақалар ташкил этиш ва уларни ўтказиш, савол - жавоб соатлари уюштириш ва ўтказиш бўйича “Таълимни интеграциялаш технологияси” мавзусида илмий-амалий конференция мазмуни ташкиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадиқот ишида методологик ёндашувлар, фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, мамлакатимиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистик методлар ёрдамида тасдиқланганлиги, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришга доир тайёрланган таклиф ва тавсиялар, дарслар ишланмаларини ишлаб чиқиш, тарқатма ва дидактик материаллар тайёрлаш, ўқув қўлланма, дарсликнинг янги авлодини яратиш, шунингдек, педагогик ходимларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнида ўқитувчилар учун маъруза матнлари ҳамда методик қўлланма сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалардан самарали фойдаланиш имконияти, биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш, экологик ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш, табиий фанлар бўйича аввал ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни янги вазиятларда қўллаш орқали ўқув материални онгли ўзлаштиришга эришишга хизмат қилади ҳамда биологияни табиий фанлар билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитиш илмий назарий жиҳатдан ДТС мазмунига сингдирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Умумтаълим мактабларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш мазмуни ва аҳамияти, педагогик шарт-шароитлар, дидактик имкониятларни аниқлашга доир илмий-амалий тадқиқотлар натижасида илгари сурилган таклиф ва

тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон “Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғриси”даги қарори билан тасдиқланган биология, кимё ва физика фанларидан ўқувчиларда билим, кўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган Давлат таълим стандарти мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 16 мартдаги 01/6-294-сон маълумотномаси). Натижада, фанлараро ва ўқув мавзулари ўртасидаги алоқадорликни мустаҳкамлаш, ўқитишнинг замонавий таълим технология - ларидан фойдаланиш имконияти кўлами ортган;

ўқув жараёнида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш, экологик таълим-тарбия тизими мазмуни, ўқитиш методлари, шакллари, йўллари, воситалари ва имкониятларини мақсадга мувофиқ ишлаб чиқиш, ўқувчиларнинг ўзлаштирган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни янги вазиятларда қўллаш мазмуни Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактабларининг биология, кимё, физика ўқув фанлари концепцияларида, Давлат таълим стандартлари, ўқув режа, ўқув дастурлари ва 6-11-синф дарсликлари мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1129-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишнинг модернизациялашган, интеграциялашган тизимини яратишга хизмат қилган;

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш ва уларни амалиётга жорий этиш мақсадида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги умумтаълим мактаблари яъни Сурхондарё, Бухоро, Жиззах, Хоразм, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида 20 та умумтаълим мактабларининг 6-11- синфларидан 1200 нафар ўқувчиларига дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда биологияни фанлараро ўқитиш амалиётида фойдаланилган (Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим марказининг 2020 йил 16 мартдаги 01/6-294-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим мактабининг 6-11-синфларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитиш методикасини такомиллаштиришга хизмат қилган;

биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда ўқитишнинг самарали методлари (муаммоли, мантиқий, оғзаки баён этиш, кузатиш, тажриба ўтказиш, мустақил ишлаш), замонавий таълим технологиялари (кластер, ақлий ҳужум, Бумеранг, ижодий ўйин), шакллари (дарсда, дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар) воситалари (табiiй, тасвирий, кўргазмали) асосида такомиллаштирилган таклиф ва тавсиялардан умумтаълим мактаблари ўқув жараёнида дарс самарадорлигини ошириш мақсадида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 17 мартдаги 89-03-1129-сон маълумотномаси). Натижада, умумтаълим

мактаблари ўқув жараёнида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий - амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, 2 та услубий қўлланма, 1 та муаллифлик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 17 та мақола, шулардан, 13 таси республика, 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 202 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот муаммосининг долзарблиги ва зарурияти асосланган; тадқиқотнинг мақсади, вазибалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги, шунингдек, тадқиқот иши фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг амалий натижалари, ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган, методологик асоси ҳамда тадқиқот натижаларининг оммалаштирилганлиги ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришнинг назарий - методологик асослари”** деб номланиб, унда биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришнинг мавжуд ҳолати; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришнинг педагогик шарт - шароитлари; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришга доир материалларни танлаш принциплари баён қилинган.

Мақтаб таълимидаги табиий фанлар ўқувчиларга оламнинг ҳозирги илмий манзарасини очиб беради. Шу боис фанлараро алоқадорлик ўқувчиларнинг умумлашган илмий тушунчаларини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Билимлар интеграцияси таълимга ўзгача ёндашишни тақозо қилади.

Таълим жараёнида биология, кимё ва физика ўқув фанлари ўртасида фанлараро алоқадорликни амалга ошириш ўқувчиларнинг фактларни таҳлил қилиш, ҳодиса ва жараёнларни ўрганишда сабаб-оқибат боғланишлари моҳиятини тушуниш, ўқув фанлари бўйича аввал ўзлаштирган билимларини янги вазиятларда қўллаши орқали ўқув материални онгли ўзлаштиришга эришишга замин тайёрлайди. Шунингдек, табиатда содир бўлаётган жараёнларни кузатиш, уларнинг моҳиятини англаш, шу аснода экологик тафаккурни ривожлантириш бугунги куннинг долзарб муаммоси саналади.

Дарҳақиқат, биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деган нуқтаи назарга таяндик. Шу мақсадда биология, кимё, физика ўқув фанларининг ДТС ва дастурлари, дарсликлар ҳамда ўқув - методик қўлланмалар таҳлил қилинди. Илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибалари ўрганилди. Юқори синф ўқувчиларининг фанлараро алоқадорлик ва экологияга доир назарий билимлари, амалий кўникма, малака ва компетенциялари, шунингдек, биология, кимё ва физика ўқув фанлари ўқитувчиларининг фанлараро экологик тайёргарлиги даражалари аниқланди.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитиш жараёнида танланган таълим мазмуни мақсадга мувофиқлик даражасига кўра, ўқитиш шакллари: дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар жараёнида фойдаланиш бўйича сараланди.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш жараёнида таълим мазмунининг ўзгариши ўқитиш методлари, йўллари ва воситаларини самарали танлашни тақозо этади. Ўқитиш жараёнида замонавий таълим технологияларига асосланган методлар (мантиқий, муаммоли, мустақил ишлаш, кузатиш, кластер, ақлий ҳужум, Бумеранг, ижодий ўйин, чархпалак, кейс-стади, мунозара каби)дан фойдаланиш назарда тутилди. Ўқитиш воситаларидан муаммоли ва мантиқий мазмунга эга бўлган савол-топшириқлар тайёрланди.

Илғор ўқитувчиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш таҳлилидан маълум бўлдики, ўқувчиларга биологияни кимё, физика билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда замонавий шакл ва методларни дидактик талаблар асосида узвийликда қўшиб олиб борилса яхши натижа беради.

Ўқувчиларда экологик тафаккурни ривожлантириш жараёнида кўпроқ биологияни кимё ва физика билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитиш назарда тутилди. Хусусан, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 13-; Қизириқ туманидаги 28-умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари экологик тушунчаларни шакллантиришда фанлараро алоқадорликка алоҳида эътибор беришди.

Шунингдек, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридаги 4-, 18-; Хоразм вилоятининг Урганч шаҳридаги 26-, 29-; Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳридаги 14-; Иштихон туманидаги 51-; Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги 1-; Кўкон шаҳридаги 33-умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг экологик билимларини умумлаштириш бўйича тўплаган

материаллари мақсадга мувофиқ. Жумладан, умумтаълим мактаб “Биология” дарслигидаги “Бир хужайралилар яъни содда ҳайвонлар”, “Кўп хужайрали ҳайвонлар”, “Ҳашаротларнинг ташқи тузилиши”, “Кимё” дарсликларидagi “Кислороднинг кимёвий хоссалари, унинг биологик аҳамияти, ишлатилиши”, “Кимёвий реакция турлари. Кимёвий энергия”, “Сувнинг табиатда тарқалиши. Унинг тирик организмлар учун аҳамияти”, “Физика” дарслигидаги “Жисмларнинг ҳаракати”, “Оғирлик кучи”, “Реактив ҳаракат”, “Табиатда энергиянинг сақланиши”, мавзуларини фанлараро алоқадорликда ўрганилиб, муҳим экологик билим (тушунча, қонун)лар умумлаштирилди.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда қуйидагилар назарда тутилди:

ўқувчилар онгига умуминсоний ва миллий қадриятларни сингдириш; ўқувчиларни инсоният ва цивилизациянинг табиатга кўрсатган ижобий ва салбий таъсири, уларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича қўлланилаётган тадбирлар билан таништириш.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда қуйидаги принциплардан фойдаланилди:

1. Илмийлик принципи-ўқувчиларнинг биологиядан муайян билим, кўникма, малака ва компетенцияларини кимё ва физика фанларидан ўзлаштирган билимлари билан боғлиқ ҳолда экологик тафаккурини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги билан аниқланди.

2. Узвийлик принципи-биология, кимё ва физика фанлари мазмунидаги билим, кўникма, малака ва компетенцияларнинг ўзаро боғлиқлигини назарда тутиб, мазкур ўқув фанларининг ўқув режадаги ўрнида тавофут борлиги аниқланди. Умумтаълим мактабларида биологияни ўқитиш 5-синфдан, физика 6-синфдан, кимё эса 7-синфдан бошланади. Шу сабабли 5-синфда биологияни ўқитишда фойдаланиладиган экологик мазмундаги муаммоли савол-топшириқларни тузишда ўқувчиларнинг табиатшуносликдан ўзлаштирган тушунчалари асос қилиб олинди.

3. Изчиллик принципи-мазкур принцип асосида биология, кимё ва физика фанлари мазмунидаги билим, кўникма, малака ва компетенциялар ҳамда киритилаётган ўқув материалларининг кетма-кетлиги ва изчиллигини сақлаган ҳолда, синхрон ва асинхрон шаклда фанлараро боғланишга оид ўқув материаллари танланди.

4. Таълим-тарбия узвийлиги принципи-ўқув материаллари мазмунини ўқувчиларга бериш орқали уларнинг экологик тафаккурини ривожлантириш назарда тутилди.

5. Тушунарлилиқ принципи-биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда сараланган ўқув материаллари ўқувчиларнинг экологик мазмундаги савол-топшириқларни бажаришда улардан фойдаланиш имконини берди.

Диссертациянинг иккинчи боби “Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар

экологик тафаккурини ривожлантириш методикаси” деб номланиб мазкур бобда экологик тафаккур, унинг таркибий қисмлари ва уларни ривожлантириш имкониятлари; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш шакл, метод ва воситалари; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда инновацион таълим технологияларидан фойдаланиш; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришга оид дарслар ишланмалари методикаси баён этилган.

Инсоният тараққиёти тарихида табиатга нисбатан онгли муносабатда бўлиш ёки унга зарар етказувчи ҳолатларнинг барчаси маънавий-ахлоқий меъёрлар ёрдамида тартибга солинган.

Экологик тафаккурнинг қуйидаги жиҳатлари эътиборли:

экологик тафаккурни ҳиссий идрок этишлик жиҳати-субъектнинг атроф муҳитга ёндашуви жараёнида юзага келадиган экологик ҳис-туйғу, сезги, кайфият ҳамда эҳтиёжларнинг юзага келиши ва уларнинг йиғиндиси мазмунида акс этди; экологик тафаккурнинг интеллектуаллик жиҳати - экологик билимлар, дунёқараш, ақлий-амалий кўникма, малака ва компетенцияларнинг эгалланиши, атроф-муҳитга муносабати, табиатни муҳофаза қилишга ишонганлик даражаси сифатида намоён бўлди.


Экологик тафаккурнинг мазкур жиҳати субъектнинг қатъийлик нуқтаи назари, мустаҳкам характери ва кучли иродаси даражаси билан тавсифланади (1-расм).

Дарс-биологияни ўқитишнинг асосий шакли бўлиб, унинг тузилиши, ташкил этилиши, унда ўқувчиларнинг билиш фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва фаоллаштириш масалалари биология ўқитиш методикасининг асосий муаммоси саналади. Дарсда ўқув дастури талаблари асосида таълим - тарбия узвийлигини таъминлаш, бу жараёнда ўқитиш методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, экологик тафаккурини ривожлантириш мазмуни ва улар онгига илмий дунёқарашни сингдириш амалга оширилади.

Юқорида таъкидланганидек, фанлараро алоқа турлари махсус билимлар ёки фактик, методологик, мафкуравий бўлиб, тадқиқот иши махсус билим соҳаси ҳисобланган биологияни табиий фанлар билан боғлаб ўқитишни асос қилиб, унда умумий ва хусусий биологик тушунчалар билан кимёвий ва физик тушунчалар ўртасидаги синхрон ва асинхрон боғланишлар кўзда тутилади.

Синхрон боғланиш деганда, ўқув фанлари мавзулари дастур ва ўқув режаси асосида синфлараро параллел боғланиш тушунилади. Бу боғланиш тури асосан, дарс жараёнида синфлараро параллел равишда ривожлантирилади (2-расм).

Асинхрон боғланиш деганда, ўқув фанлари мавзулари дастур ва ўқув режаси асосида аввалги синфларда ўзлаштирилган билимлардан фойдаланиш орқали синфлараро боғланиш тушунилади. Бу каби боғланиш



**1-расм. Экологик тафаккур тузилмаси компонентлари блок -
схемаси**


турлари нафақат дарс жараёнида балки, синфдан ташқари (ҳар хил тўғаракларда, олимпиада, конференция ва бошқалар бўйича) ўқув машғулотларида ҳам ташкил этиш ва ўтказиш мумкин (3-расм).

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитиш жараёнини ташкил этишнинг турли шаклларида танланган таълим мазмуни, мақсади, вазифасига боғлиқ ҳолда муайян метод ва воситалардан фойдаланилди.


Тадқиқот давомида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитиш шакли, мазмуни, объект, тушунча, муаммоли, фаолиятга доир компетенция асосида дарслар ишланмалари келтирилди.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда дарсга қўйидаги талаблар қўйилди:

ўқитиш мақсадлари, ўқув дастурининг талабларига мос ҳолда фанлараро экологик мазмундаги ўқув материалларини оптимал даражада танлаш; дарсда ўқувчиларни ялпи ўқитиш билан бир қаторда якка ва кичик гуруҳларда мустақил ишларини ташкил этиш орқали уларда таҳсил олишга бўлган эҳтиёжини қондириш, фанлараро экологик мазмундаги тарқатма ва дидактик материаллар, ўқувчилар билиминини назорат қилиш ва баҳолаш учун ўқув топшириқларини тузиш.



2-расм. Биологияни кимё ва физика фанлари билан боғлаб экологик мазмунда фанлараро ўқитишда синхрон боғланиш



3-расм. Биологияни кимё ва физика фанлари билан боғлаб экологик мазмунда фанлараро ўқитишда асинхрон боғланиш

Биологияни ўқитишда фанларни интеграциялаш, яъни фанлараро алоқадорликни амалга ошириш таълим-тарбия жараёнининг муҳим дидактик шарти бўлиб, у қуйидаги вазифаларни бажаради.

1. Ўқувчилар учун асосий билим манбаи бўлган ўқув материалининг илмийлиги ва изчиллиги, бошқа табиий фанлардан ўзлаштирилган тушунчаларнинг дидактик боғлиқлигини таъминлайди.

2. Табиий фанларни интеграциялаш, яъни ўқитишда фанлараро алоқадорликни босқичма-босқич ва изчил амалга ошириш орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини такомиллаштиришга имкон яратади.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришнинг юқорида қайд этилган шакллари: дарс, дарсдан ва синфдан ташқари машғулотлар ўртасида доимий равишда изчиллик ва алоқадорлик мавжуд бўлиб, улар ўқув-тарбия жараёнининг яхлитлигини таъминлайди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб синфдан ташқари машғулотларда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш методикаси”** деб номланиб, унда биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш методикаси; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришга оид олимпиадаларни ташкил этиш ва уни ўтказиш методикаси; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда ўлка экологиясига оид масалалар ечиш методикаси баён этилган.

Синфдан ташқари машғулотлар ўқитишнинг назарий ва амалий тизимини тўлдиради. Унинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг ўқишдан ташқари вақти мобайнида ўзини-ўзи тарбиялаш ва ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланишга ёрдам беришдан иборат. Дарсдан ва синфдан ташқари машғулотларни замонавий ташкил этиш ижодий жараён бўлиб, ўқитувчидан чуқур назарий билим, кўникма, малака ва компетенциялар, хоҳиш талаб қилгани каби ўқувчилардан ҳам уларнинг интилишлари ва эҳтиёжларини қондиришда масъулият билан ёндашишни талаб этади.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда экологик мазмундаги материаллардан фойдаланиш ўқувчиларнинг фанлараро синфдан ва мактабдан ташқари (табиатга экскурсия ва юришлар ўтказиш, эрталиклар, оммавий тадбирлар, тўғараклар, олимпиада, конференция, кўргазмали куроллар тайёрлаш кўрик-танлови ва бошқалар бўйича) машғулотларни ташкил этиш ва уларни ўтказиш мумкин.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда экологик мазмундаги материаллардан фойдаланиб, масалалар ечиш ва машқлар бажариш буйича мусобақа дарсини гуруҳлар орасида ўтказиш мақсадга мувофиқ эканлигини олиб борилган илмий тадқиқот ишлари натижалари тасдиқлайди.

Қуйида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда экологик мазмунда масалалар танлаш, тузиш ва ечиш бўйича мусобақа дарсларидан намуна келтирилади:

Мусобақа дарси ва унинг тузилиши.

1. Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш мақсадида сифат масалалар танлаш, тузиш, ечиш ва уни экспериментал текшириш.

2. Гуруҳ сардорлари кўрик-танлови. Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда сонли, график, миқдорий ва сифат масалаларни танлаш, тузиш ва ечиш.

Гуруҳлар кўрик-танлови.

1-босқич. Ўқувчиларда биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитиш орқали экологик тафаккурни ривожлантиришда сонли ва график масалалар танлаш, тузиш ва мустақил ечиш. Ўқувчиларнинг экологик билимларини текшириш усули ҳайъат аъзолари томонидан уларнинг дафтарларини ёки варақларини йиғиб олиш ва текшириш.

2-босқич. Ўқувчиларнинг экологик билимлар асосида тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган график ва жадваллар асосида топшириқлар. Биологияни кимё ва физика фанлари билан боғлаб экологик тафаккурни ривожлантириш бўйича масалалар танлаш, тузиш, техник ва технологик жараёнларнинг биология, кимё, физика ва экологик асосларини ва қонуниятларини тушунтириш.


Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда тўғарак машғулотлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уни ташкил этиш жараёнига қараб индивидуал, гуруҳли ва оммавий тарзда олиб бориш мумкин (4-расм).

Индивидуал синфдан ташқари машғулотларга табиатни ўрганишга қизиққан айрим ўқувчилар билан олиб бориладиган ишлар киради. Индивидуал машғулотлар жараёнига тирик табиат бурчаги ва мактаб ўқув-тажриба майдонидаги, табиатдаги ишларни, дарсдан ташқари ўқиш ва ахборот бурчаги учун биологик ва экологик мазмундаги материаллар танлашни, ўқувчилар илмий-оммабоп китобларни ўқишни ўз ичига олади.

Гуруҳли синфдан ташқари машғулотларга ўқувчилар доирасида олиб бориладиган тўғарак ишлари кириб, гуруҳ машғулотларига “Ёш биологлар”, “Ёш кимёгарлар”, “Ёш физиклар” каби тўғарак машғулотлари киради.

Оммавий синфдан ташқари машғулотларга кўплаб ўқувчиларни қамраб олувчи оммавий ишлар, тадбирлар киради. Оммавий машғулотларда табиатга экскурсиялар ўтказишни, эрталиклар, ўқувчилар ишларининг кўрғазмасини ташкил қилишни, шунингдек, оммавий тадбирлар (боғ ҳафталиги, дарахтлар ўтказиш ҳафталиги, қушлар ва гуллар байрами кабилар) ни ўтказишни назарда тутлади.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб



4-расм. Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда экологик мазмунда синфдан ташқари машғулотлар схемаси

ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш бўйича ўтказиладиган мактаб олимпиадаси синфдан ташқари ишлар шаклларида бири ҳисобланади.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда мактаб олимпиадаси вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш бўйича масалалар танлаш, тузиш ва ечиш натижаларининг йиллик ҳисоботини қилиш.

2. Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришда экологик мазмундаги масалаларнинг биологик, кимёвий ва физик асосларини ва қонуниятларини ўрганиш бўйича мактаблар ўртасида ўзаро тажрибалар алмашиш.

Юқорида кўрсатиб ўтилган вазифаларни ҳал қилишда мактаб атрофида мавжуд бўлган экологик мазмундаги материаллар муҳим аҳамиятга эга, чунки улар атроф дунёнинг ўзига хос ажралмас қисми ҳисобланади.

Ўқувчиларга биологияни кимё ва физика фанлари билан боғлаб ўлка экологияси мазмунидаги масалалардан фойдаланиш ҳозирги куннинг талаби, чунки: биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон

боғлаб экологик мазмунда масалалар ўқувчилар кундалик ҳаётида кўп учрайди, яъни уларга таниш; биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб экологик мазмундаги масалаларни танлаш, тузиш ва ечиш учун мураккаб математик ҳисоблашларга зарурият йук; биологияни табиий фанлар билан боғлаб экологик мазмундаги масалаларни танлаш, тузиш ва ечиш кузатувчанлигини оширади.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш ва уни ўтказиш”** деб номланиб, унда педагогик тажриба-синов мақсад ва вазифалари; педагогик тажриба-синов натижалари ва уларнинг математик-статистик таҳлили келтирилган.

Биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришга доир тайёрланган дидактик, тарқатма материалларни ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ўқитиш методларини замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб, тажриба-синов жараёнида синаб кўриш маъқулланди.

Педагогик тажриба-синов ишлари асосан уч босқичда амалга оширилди. Биринчи-таъкидловчи босқичи 2012-2015 ўқув йилларида тадқиқотчи ва Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 11-,13-; Шеробод туманидаги 1-; Қизириқ туманидаги 20-,28 -; Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги 13-,40-; Бухоро туманидаги 25-; Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридаги 4-, 18-; Ш.Рашидов туманидаги 13-; Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги 3-; Урганч шаҳридаги 26-, 29-; Самарқанд вилоятининг Самарқанд шаҳридаги 14-; Иштихон туманидаги 51-; Фарғона вилоятининг Риштон туманидаги 1-; Қўқон шаҳридаги 33-; Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманидаги 65-ихтисослаштирилган давлат ҳамда Нукус шаҳридаги 36-умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи ва олий тоифали биология, кимё, физика ўқитувчилари томонидан 6-11-синфларда шакллантирувчи тажриба - синов ўтказилди.

Юқорида таъкидланган умумий ўрта таълим мактабларида тажрибали ўқитишни илмий жиҳатдан синаб кўриш учун олинган тажриба ва назорат синфларини шартли равишда қуйидагича белгиладик. Ҳар бир мактабдан 6^A, 7^B, 8^B, 9^A, 10^B ва 11^A синфлар тажриба, яъни биологияни кимё ва физика билан боғлаб экологик тафаккурни ривожлантиришга оид 6^B, 7^A, 8^B, 9^B, 10^A ва 11^B синфлар эса тизимли дастур асосида биология, кимё ва физика ўқув фанларини ўқийдиган назорат синфлар қилиб олинди.

Педагогик тажриба-синовни олиб бориш учун танланган умумий ўрта таълим мактабларининг 6-11-синфларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш сифати ва самарадорлигини аниқлаш мақсадида мазкур фан ўқитувчилари билан доимий равишда суҳбатлар, савол-жавоблар, анкета сўровномалари, кузатишлар ўтказилиб борилди ва ёзма-назорат ишлари олинди. Олинган натижалар биологияни кимё ва физика фанлари билан боғлаб амалий ишлар бажариш, мазмуни ва сифатини яхшилаш мақсадида баъзи ўзгартиришлар ҳамда қўшимчалар киритишга ёрдам берди.


Тажрибали ўқитишни ўтказиш учун тадқиқотчи томонидан биологияни табиий фанлар билан боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантиришга эътибор қаратилди.

Қуйидаги жадвал ва расмда 7-синф ўқувчиларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда экологик тафаккурни ривожлантириш даражалари бўйича ўтказилган биринчи босқич педагогик тажриба-синов ишлари натижалари келтирилган (1-жадвал, 5-расм).

1-жадвал

Биринчи босқич тажриба - синов натижалари

Ўқув йили	Ўқувчилар сони		Тажриба-назорат синфлари ўқувчиларининг олган баҳолари							
	Тажриба синфи	Назорат синфи	Аъло, "5"		Яхши, "4"		Қониқарли, "3"		Қониқарсиз, "2"	
			Таж-риба	Назо-рат	Таж-риба	Назо-рат	Таж-риба	Назо-рат	Таж-риба	Назо-рат
2012-2013	201	196	47	48	68	69	60	56	26	23
2013-2014	200	201	51	52	69	71	57	55	23	21
2014-2015	202	198	50	51	66	67	65	63	21	17



5-расм. 7-синф ўқувчиларида биологияни кимё ва физика фанлари билан синхрон ва асинхрон боғлаб ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурининг ривожланганлик даражалари кўрсаткичи

